

ТҮТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ, УНИНГ ТАРИХИЙ ВА ЗАМОНАВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Нилуфар Мухаммадовна Ўринова

Фарғона давлат университети доценти

Хилола Абдуллаева

Фарғона давлат университети магистранти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада тьюторлик тушунчаси, тьюторлик фаолиятининг пайдо бўлиш тарихи ва ривожланиш даври босқичлари, тьюторнинг функционал вазифаларининг тарихий ва замонавий ўзига ҳосликлари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: тьютор, тьюторлик фаолияти, талаба, ривожланиш даври босқичи, тарбиячи, тьюторлик фаолияти функциялари.

ABSTRACT

This article discusses the concept of tutoring, the history of the emergence of tutoring activity and the stages of the period of development, historical and modern functional responsibilities of the tutor.

Keywords: tutor, tutor activity, student, stage of development, educator, tutor functions.

КИРИШ

XXI асрда жаҳон миқёсида таълим барқарор тараққиётни таъминловчи асосий омил сифатида эътироф этилиб, 2030 йилгача белгиланган халқаро таълим концепциясида "... барча учун бутун ҳаёт давомида сифатли таълим олишга имконият яратиш" долзарб вазифа сифатида белгиланди[2]. Бу узлуксиз таълим тизимини, жумладан, масофавий ўқитиши тизимини ривожлантириш ва унда тьюторлик фаолиятини самарали ташкил этиш имкониятларини кенгайтирди.

Хозирги даврда "Тьютор" атамасининг бир неча таърифлари мавжуд бўлиб, инглиз тилидан таржима қилинганда "Тьютор" (tutor) том маънода устоз, мураббий, инструктор-йўл кўрсатувчи маъноларида қўлланилади. Педагогик-психологик атамалар луғатида "ўз ўқувчиларининг билимдон мураббийи ўқув

жараёнини осонлаштирувчи шахс, ўқитувчи" деб таъриф берилган. Professor А.Холиков ўз илмий мақоласида тыотор сўзига қуидагича таъриф берган: "Тьютор – ўқув курсларини интерфаол тақдим этиш бўйича мутахассис.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Тарихий манбаларга назар ташлайдиган бўлсак, тьюторлик фаолияти тарихи камида 900 йилдан буён таълим бериш маданияти билан биргаликда алоҳида маданият сифатида шаклланиб келган ва асрлар давомида ривожланишида унинг таълим-тарбия жараёнидаги роли ҳам ўзгариб борган.

Мавжуд манбаларга кўра тьюторлик фаолиятининг ривожланиш даврларини қуидаги босқичларга ажратиш [3], мақсадга мувофиқ:

1-босқич: ... – XVI асрлар - тьюторлик фаолияти таълим олувчиларнинг мустақил ўқишиларига кўмаклашувчи сифатида;

2-босқич: XVI–XIX асрлар - тьюторлик фаолияти инглиз университети тизимида расмий тан олинган касб сифатида;

3-босқич: XIX–XX асрлар - тьюторлар ва китобларни асосий билим манбай деб билиш мумкин бўлган вақтлар;

4-босқич: XXI аср - тьютор янги касб сифатида: ўқитувчи функциясини ўзгартириш, кенгайтириш ва янги лавозим мажбуриятини белгилаш.

Мавжуд адабиётларда тьюторлик фаолияти XII асрдаги Европа университетлари, жумладан Оксфорд, Кембриж университетлари тарихи билан чамбарчас боғлиқлиги ва Буюк Британияда шаклланганлиги таъкидланган[5].

Тьюторлик фаолияти таҳминан XIV асрда инглиз университетлари Оксфорд ва бироз кейинроқ Кембрижда шаклланган ва бу бўйича мавжуд тажрибаларнинг таҳлилларига кўра, шу даврдан бошлаб тьюторлар университет мураббийси сифатида шаклланганлигини кўриш мумкин.

Бу даврда университетларга ўқитувчилар ва талabalарнинг уюшмалари сифатида қаралган ва талabalар бир хилдаги муайян курсларда иштирок этиши талаб этилмаган, қайси профессорни тинглашни ёки қайси фанларни ўрганиши талабанинг ўзи ҳал қилиши лозим бўлган. Ҳар бир профессор ўзининг тадқиқот мавзусига доир маъруза ўқиган ва шарҳлаган. Шунинг учун талabalар нафақат ўзининг, балки бошқа таълим муассасалар профессорлари маъruzасини тинглашлари мумкин бўлган. Университет эса, ўз талabalарини фақат битириув имтиҳонларига кўйган. Бунда талabalарга ўз йўлини танлаш

жараёнида ҳамда курс якунида тегишли даражани олиши учун зарур бўлган билимларни эгаллашда тыоторлар ёрдам кўрсатишган[5].

Бу вақтлари ўқишининг биринчи йилида барча талабалар тыоторлар консультацияларига қатнашиш мажбурий бўлган ва улар ҳар хафтада бажарилган ишлари тўғрисида тыоторга ҳисобот бериб туришган[4]. Талабаларнинг тыоторлар билан учрашувлари жадвал бўйича ва дарсдан ташқари вақтда ўтказилган ҳамда бундай учрашувлар, мулоқотлар талабалар учун биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган.

Ўша замондаги университетнинг рад қилиб бўлмайдиган жиҳати ўқитиш ва ўқишининг эркинлиги бўлгани учун, тыоторлар профессор ва талаба ўртасида воситачилик функциясини бажарган.

Таълим олиш эркинлиги талабанинг мустақил ўқиши билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бунда тыоторнинг асосий вазифаси талабанинг мустақил билим олиш жараёнини академик ғоялар билан боғлашдан иборат бўлган. Мустақил ўқиш жараёни университетда билим олишнинг асосий қисми ҳисобланган ва тыотор ушбу мустақил ўқиш жараёнига кўмаклашиш функцияларини бажарган[5].

XVI асрнинг охирида университет ўқув жараёнида тыоторлар ўз талабалари тарбиясига жавобгар сифатида асосий шахсга айланган. Бу борада М.И.Попова тадқиқотларида шундай ёзилган. Бизлар ... фақат билим беришимиз эмас, тарбиялашимиз керак: билим билан биргаликда ахлоқий ва диний жавобгарлик ҳиссини сингдиришимиз лозим. Талаба бу ерда ҳар хил қоидаларга бўйсунади ва тыоторлар назорати остида бўлади, улар ... ҳам оталарча, ҳам хизмат ҳуқуқига эга, ҳар қадамда ўзини тутишни ва ўзини идора қилишни талаб қиласди ва шундай қилиб, унинг учун ҳаётга тайёрловчи ҳақиқий мактаб бўлиб хизмат қиласди. ...»[5]. Бу фикрлар билан тадқиқотчи тыоторлик фаолияти, талабаларнинг индивидуал таълим олиш траекторияси бўйича ўз қарашларини келтириб ўтган.

XVII асрга келиб тыоторлик фаолияти соҳаси кенгайди, унинг фақат таълимга оид эмас, тарбиявий функциялари ҳам борган сари кўпроқ аҳамиятга эга бўла бошлади. Тьютор талабага қайси маъruzalар ёки амалий машғулотларда иштирок этиш энг маъқул эканлиги ва у ўзининг ўқув режасини қандай тузиши кераклиги бўйича маслаҳат берган, ўз талабаларининг яхши ўқишилари ва имтиҳонларга тайёр бўлишларини назорат қилган. Тьютор уша

давларда талабанинг энг яқин маслаҳатчиси ва унинг барча қийинчиликлари, муаммоларининг ечимини топишда ёрдамчи бўлиб ҳисобланган[5].

XVII асрда тьюторлик тизими инглиз университети тизимининг профессорлик (немис) моделини аста-секин сиқиб чиқариб бораётган бир қисми деб расмий равишда тан олинган[5]. 1700 йилдан 1850 йилгача даврда инглиз университетларида оммавий курслар ва кафедралар умуман бўлмаган. Талабаларни имтиҳонларга фақат тьюторлар тайёрлаган. XVII асрга келиб Оксфорд ва Кембриж университетларида тьюторлар ўз атрофига уни ўз устози деб танлаган 1-2 талабани тўплаб, таълим жараёнида асосий шахсга айланган ва у ўз талабалари оладиган билимлар доирасини белгилаган. Ўзи таклиф қилган материалларни ўзлаштириш натижалари бўйича улардан имтиҳонлар олган.

МУХОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Бошқача қилиб айтганда, тьютор талаба шахсини индивидуал ёндашув асосида шахсий ва касбий жиҳатдан ҳаётга тайёрловчи васийдир.

XIX асрнинг охирида университетларда эркин кафедралар ва коллегиал маъruzalар пайдо бўлганида ҳам, талабанинг профессорлар ва курсларни шахсан танлаш ҳуқуки сақланиб қолган.

XVIII–XX асрлар давомида Англияning эски университетларида тьюторлик тизимининг мавқеи пасаймаган, аксинча, таълимда асосий ўринни эгаллаган: маъruzalар тизими фақат унга қўшимча бўлиб хизмат қилган ва ҳозиргача шундай хизмат қилмоқда.

Оксфорд ва Кембрижда тьюторлар ҳозиргача таълим-тарбия ишида муҳим ўрин эгаллайди ва бу лавозим штат бирликлари ҳисобланади.

Тьюторлик фаолиятининг тарихий ривожланиш тенденциялари сифатида 2008 йилда Удмуртия давлат университети томонидан Эдвард ва Элейн Гордонларнинг «Тьюторликнинг юз йиллиги: Америка ва Ғарбий Европада муқобил таълимининг тарихи» номли китоби нашр қилинганлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ушбу китобда муаллифлар кундалик дафтаридағи ёзувлар, архив материаллар, буюк шахсларнинг фикрларига асосланиб тьюторнинг функцияларини шарҳлаган ва индивидуал таълим ҳар қандай замонавий педагогик муассасадан қўра қадимийроқ эканлигини кўрсатиб берган[5].

Шунингдек, МДҲ давлатларида тьюторлик фаолияти бир мунча кечроқ шаклланганлигини кўриш мумкин. Жумладан, Россияда тьюторлик фаолияти узоқ вақт давомида уччалик маълум бўлмаган, тьюторлик ғоялари асосан

Россияда фақат қайта қуриш даврида тарқала бошлаган. 1989 йилда П.Г.Щедровицкий раҳбарлигига Москвада тьюторларнинг биринчи конкурсини ўтказган. Кейинчалик П.Г.Щедровицкий турли ҳудудлардан бўлган ёш педагоглар учун «Артек» лагерида янги педагогик фаолият – тьюторлик тўғрисида туркум маъruzалар ўқиган. Шу вақтдан бошлаб аста-секин Россияда тьюторлик амалиёти ташкил топа бошлаган. П.Г.Щедровицкий фикрича тьюторлик фаолияти ўқувчининг таълимга оид мотивлари ва қизиқишларини аниқлаш ва ривожлантириш, индивидуал таълим дастурини яратиш учун таълим ресурсларини излаш, оиланинг таълимга оид буюртмаси билан ишлаш, ўқувчининг тарбияси ва таълимга оид рефлексиясини шакллантиришга йўналтирилган таълимни индивидуаллаштириш бўйича педагогик фаолият тушунилган[5].

ХУЛОСА

Шундай қилиб, тьюторлик фаолияти – бу тарихда ўқитиш ва ўқиш маданияти билан ёнма-ён шаклланган алоҳида маданият ҳисобланади. Ҳозирги даврларда тьюторлик таълими масофавий ўқитишда оммалашиб бормоқда ва бу кундузги ўқитиш шаклларидан бирмунча фарқ қиласди.

Республикамиз олий таълим тизимида эндиғина пайдо бўлган тьюторлик фаолиятининг ўзига ҳос хусусиятлари қўйидагилардан иборат[1]:

1. Тьютор — талабаларнинг шахсий ривожланишига, университет, республика ва халқаро миқёсдаги танлов ва олимпиадаларда муносиб иштирок этишига, шунингдек, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишига кўмаклашувчи инсон бўлиб, у йигит-қизларни касбга йўналтириш, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, турли илмий тўгаракларга жалб этиш ҳамда муаммо ва камчиликларини ўрганиб, уларга атрофлича ечим топиш билан шуғулланади.

2. Тьюторларнинг асосий мақсади — таълим ва тарбия жараёнини самарали ташкил этишда университет ва талабалар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш, талабаларнинг университет ҳаёти ва таълим жараёнига мослашишига кўмаклашиш, уларга услубий, ижтимоий ва психологик ёрдам кўрсатиш ва талабаларда танлаган касбига муҳаббатни оширишdir. Шу билан бирга улар йигит-қизларнинг дарс машғулотларини мунтазам таҳлил қилиб боради ва сифатини оширади, уларнинг дарсдан бўш вақтларини мазмунли

ўтказишини таъминлайди ҳамда ижтимоий аҳволидан доимий хабардор бўлиб туради.

3. Тьюторлар маънавий-маърифий ва аҳлоқий-тарбия, ўқув ва ўқув-услубий ҳамда илм-фан, инновацион ва илмий-тадқиқот йўналишларида ўз фаолиятини олиб боради.

4. Ҳар бир тьютор ўзига бириктирилган гурух талабаларини беш муҳим ташаббус доирасида ташкил этилган клуб ва тўгаракларга жалб этиб боради ҳамда уларнинг ижодий қобилияти ва истеъдодини намоён этиши учун имкон яратади. Талабаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қиласи, уларнинг таълим олиши, илм билан шугулланиши, яшаси ва дам олиши учун шароитлар яратишга кўмаклашади ва бу борадаги янгиликлардан хабардор қилиб боради.

5. Талабаларнинг ўқув интизомини мустаҳкамлаш, уларда ижодий фикрлаш, ҳалоллик, тўғри сўзлик каби хислатларни шакллантириш борасида тизимли ишларни йўлга қўяди. Иқтидорли ва истеъдодли талабаларни аниқлаб, уларнинг турли танлов ва олимпиадаларда муносиб иштирок этишига ҳамда талабаларнинг лойиха ва стартапларини амалга оширишга кўмаклашади.

6. Талабаларнинг дарсларни ўзлаштириш даражасини назорат қилиб боради, уларнинг инновацион таълим технологиялари ва ўқув-услубий материаллар, ахборот-ресурслари билан таъминлаш ва ушбу манбалардан кенг ва унумли фойдаланиши учун замин яратади.

7. Тьюторлар талабаларни ўйлантирадиган қатор масалалар, хусусан, талабаларни тураган жой билан таъминлаш, қолдирилган дарсларни ўзлаштиришига ёрдам бериб боради.

8. Ҳар бир тьютор ўзига бириктирилган академик гуруҳларнинг дарсларини, талаба давоматини ва дарс сифатининг мониторингини олиб бориш мақсадида кузатиш, талабаларга юклатилган мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш, ТТЖга жойлашиши учун эълон бериш ва бу борадаги комиссия йиғилишида талабанинг иштирокини таъминлаш, талабага тавсифнома ва академик таътил бериш масаласини ҳал қилишда иштирок этиш, уларни рағбатлантирилиши ёки жазоланиши, турли стипендияларга тавсия қилишда хulosса ва фикрнома бериш ҳуқуқига эга.

9. Ҳар бир тьютор талабаларнинг шаъни ва қадр-қимматини, обрўсини ҳурмат қилиш, уларнинг жисмоний, руҳий ва психолого-холатидан мунтазам хабардор бўлиш, ўқув, маънавий ва илмий фаолиятини мониторинг қилиб

бориш, йигит-қизларнинг дарсларда иштироқини назорат қилиш, ёшларнинг ота-оналари ва ўзи билан доимий мулоқот қилиб боришга мажбурдир.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш түғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармони// lex.uz
2. Inncheon declaration // Education 2030: Towards inclusive and euitable quality education ang lifelong learning for all (Word Education Forum, 19–22 may 2015, Incheon, Republic of Korea).
3. Лях А.Ю. Развивающий потенциал тьюторских технологий в системе обучения старших школьников // Образование и наука. 2013. № 10 (109). ст. 37–51
4. Дудчик С.В. Особенности организации тьюторского сопровождения в начальной школе // Организация тьюторского сопровождения в образовательном учреждении: содержание, нормирование и стандартизация деятельности тьютора: Материалы Всероссийского научно-методического семинара.-М.: АПКИППРО, 2009.
5. Ковалева Т.М., Кобыща Е.И., Попова (Смолик) С.Ю., Теров А.А., Чередилина М.Ю. Профессия «тьютор». М.-2012. Тверь: «СФК-офис». –246 с
6. Karimova, M., & Tuychieva, R. (2019). THE PEDAGOGICAL BASICS OF TRAINING STUDENTS FOR PROFESSIONAL, MORAL AND EDUCATIONAL FUNCTION. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 1(10), 311-317.
7. Khaitboevich, B. B. (2020). Some features of protection of students from the threat of harmful information in the educational process. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, 8(10), 69-72.
8. Maksudov, U. K. (2020). ISSUES OF NATIONAL VALUES AND SOCIAL ACTIVITY OF STUDENTS IN THE DEVELOPMENT OF POSITIVE PSYCHOLOGY. In *Психологическое здоровье населения как важный фактор обеспечения процветания общества* (pp. 394-396).
9. Qizi, M. K. I. (2020). A system for training future teachers in tourism through museum pedagogy. *Проблемы современной науки и образования*, (3 (148)).

10. SAIDKULOVICH, S. B., & UGLI, T. J. U. The Social Pedagogical Necessity of Developing Students' Aesthetic Culture in the Process of Globalization. *International Journal of Innovations in Engineering Research and Technology*, 8(1), 75-77.
11. Siddikov, B. S. (2020). THE IMPORTANCE OF SPORTS AND RECREATION ACTIVITIES FOR A HARMONIOUSLY DEVELOPED GENERATION. In *Психологическое здоровье населения как важный фактор обеспечения процветания общества* (pp. 107-111).
12. Sobirjon, A. (2020). SOCIO-PEDAGOGICAL FACTORS OF FORMATION OF ACTIVITIES OF SOCIETY AND SOCIAL INVOLVEMENT IN STUDENTS WHO HAVE AN ACTIVE LIFE POSITION. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol*, 8(12).
13. Tuychieva, I., Aripov, S., Madaminova, D., & Mustaev, R. (2021). THE PEDAGOGICAL SYSTEM OF PREPARING BOYS FOR FAMILY RELATIONSHIPS IN GENERAL SECONDARY SCHOOLS. *湖南大学学报(自然科学版)*, 48(8).
14. ugli Abdullaev, S. S. (2021). SOCIAL INVOLVEMENT IN STUDENTS RESULTS OF EXPERIMENTAL WORK ON THE DEVELOPMENT OF VIRTUES.
15. ugli Abdullaev, S. S. (2021, July). SOCIO-POLITICAL FACTORS OF DEVELOPMENT OF SOCIAL RELATIONSHIPS IN STUDENTS IN THE PROCESS OF PEDAGOGICAL EDUCATION. In *Euro-Asia Conferences* (pp. 168-170).
16. Urinova, N. M., & Abdullaeva, N. (2021). Opportunities to use project-based teaching technology in the development of students' research competence. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(3), 2344-2348.
17. Ахмедов, Б. А. (2020). Сиддиков Бахтиёр Сайдкулович, Джалалов Баҳромжон Бегмурзаевич МОДЕРНИЗАЦИЯ ОБРАЗОВАНИЯ-ОСНОВНОЙ ФАКТОР В ФОРМИРОВАНИИ ИННОВАЦИОННОЙ КОМПЕТЕНЦИИ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ. *Academy*, 9, 60.
18. Джалалов, Б. Б. (2016). Место и роль воздействия воспитания в повышении общественной активности учащихся. *Ученый XXI века*, (5-1), 38-41.
19. Джалалов, Б. Б. (2018). РАЗВИТИЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ КАДРОВ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ КАК ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ ПРОБЛЕМА.

In *INTERNATIONAL SCIENTIFIC REVIEW OF THE PROBLEMS AND PROSPECTS OF MODERN SCIENCE AND EDUCATION* (pp. 53-55).

20. Джалалов, Б. Б. (2019). ВАЖНЫЕ АСПЕКТЫ ФОРМИРОВАНИЯ ИННОВАЦИОННЫХ КОМПЕТЕНЦИЙ У БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ. In *EUROPEAN RESEARCH: INNOVATION IN SCIENCE, EDUCATION AND TECHNOLOGY* (pp. 43-44).

21. Джалалов, Б. Б., Хатамов, Х. А., & Насайдинова, Ф. У. (2016). Преимущества коллективного обучения. *Ученый XXI века*, 40.

22. Закирова, Д. С. (2020). РАЗВИТИЕ КУЛЬТУРЫ МЕЖНАЦИОНАЛЬНОГО СОГЛАСИЯ У СТУДЕНТОВ. *European science*, (4 (53)).

23. Ибрагимова, Ш. О. (2019). РОЛЬ СЕМЬИ В ФОРМИРОВАНИИ ЦЕННОСТНЫХ ПРЕДСТАВЛЕНИЙ У МОЛОДЕЖИ О БРАКЕ И СЕМЬЕ. In *EUROPEAN RESEARCH: INNOVATION IN SCIENCE, EDUCATION AND TECHNOLOGY* (pp. 84-86).

24. Максудов, У. К. (2015). Социально-педагогические и экономические проблемы повышения качества непрерывного образования на основе внедрения национальных ценностей. *Молодой ученый*, (12), 776-777.

25. Туйчиева, И. И., & Ганиева, Г. В. (2016). ХАРАКТЕРИСТИКА ПРИНЦИПОВ ПЛАНИРОВАНИЯ РАБОТЫ ПО РАЗВИТИЮ РЕЧИ. *Ученый XXI века*, 48.

26. Уринова, Н. М., & Хусеинова, С. Б. (2021). Теоретико-практическая подготовка будущих учителей гуманитарного профиля к социально ориентированной воспитательной работе. *Бюллетень науки и практики*, 7(5), 434-440.

27. Уринова, Н. М., & Хусенова, С. Б. (2021). БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИ ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ТЕХНОЛОГИК МОДЕЛИ. *ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ*, 4(7).